Тони Аламонинг Христиан Хушхабарлик Хизматлари

Дунё Хушхабар варақаси

Янги Қуддус Бутун дунё Ибодатхоналари

Жилд Тони Аламо Аламо Христиан Халқи Volume 18000






*Чўпон Тони ва Сузан Аламо, ҳалқаро телевизор дастуридаги хор ва оркеста* *1973 йилда олинган сурат*

# БЕНИҲОЯ ДАРАЖАДАГИ ҚАБИҲЛИК

**Тони Аламо**

**Эфесликларга 6:16 да бундай таъкидланади, “Биринчи галда, имон қалқонини қўлга олиб, шу қалқон билан қабиҳнинг ҳамма ирғитиладиган алангали ўқларини сўндира оласизлар.” “Қабиҳ” ким? Ибодатхонада одамлардан бу саволни сўраганимда, улар айтдиларки, “қабиҳ” бу иблисдир. Иблиснинг миллиардлаб издошлари ва эътиқодчилари (қабиҳ бандалар) мавжуд бўлса, Худонинг эса юз миллионлаб издошлари ва эътиқодчилари мавжуд.**

Аввало, “overwhelming-бениҳоя даражадаги” сўзининг *Webster* луғатидаги таърифини тақдим қилишни истардим: “(1) to pour down upon and bury beneath; (2) to crush, overpower.”

“Қабиҳ” ким эканлигини аниқлаш учун, Ваҳий китобидан бошлаймиз. Ваҳий 12:9 да бундай баён қилинади, “Бутун дунёни алдаган иблис, шайтон деб аталган қадимги илон, улкан аждаҳо қувиб чиқилди: У ерга қувиб чиқилди, унинг фаришталари эса у билан бирга ерга қувиб чиқилди.” Энди, иблис ёки Шайтон бутун дунёни алдаган бўлса, у ҳолда Шайтоннинг уларни алдаши туфайли бутун дунё қабиҳ одамларга айланади. Ер юзида яшаётганларнинг ҳаммаси ҳайвонга сажда қилишади, фақат дунё яратилганидан бери бўғизланган ҚЎЗИНИНГ Ҳаёт Китобига исми қайд бўлганларимиздан мустасно “бутун дунё”ни айнан кўзда тутдим.

Энди бўлса, нуқтаи назаримни мустаҳкамлаш учун, Ваҳий 13:1 га назар ташлайлик. Ҳаворий Яҳё бундай дейди, “Мен денгиз соҳилидаги қумлоқ устида турган эдим, тўсатдан етти бошли, ўнта шохли бир маҳлуқ [шоҳлик][бу Рим[1] етти тоғининг рамзий ифодасидир, ўнта шох эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ягона-дунё ҳокимияти таърифидир] денгиздан чиқаётганини кўриб қолдим. Шоҳлари узра ўнта тож бор эди, [ушбулар Римнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ягона-дунё ҳокимияти, оммавий ахборот воситалари, ҳамда шайтоний бутга сиғиниш ибодатхонасига (культ) ўзларининг қудрат ва кучларини сарфлаш учун бирлашган ўнта шоҳликни кўрсатмоқда. Шайтоннинг ягона-дунё ҳокимияти, БМТ янги дунё тартиби, бутга сиғинувчи (культ) шайтоний ибодатхонаси ва оммавий ахборот воситаларига қарши туришга журъат этган ҳар қандай кишини эзиб-янчиши, дафн қилиши, ҳамда куч билан бостириши мумкин бўлган бениҳоя даражадаги қабиҳликка эга бўлиш мақсадида Шайтон буни қилди ва ҳалиям қилишда давом этмоқда. Шайтон тарғибот орқали яхши одамларнинг ёмон кўриниши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланади.], ҳамда бошларида эса куфрона номлар ёзилган эди.”

“Мен кўрган маҳлуқ эса қоплонга ўхшарди [бу Ҳиндистоннинг рамзидир], унинг оёқ панжалари эса айиқ панжалари каби эди [Россия рамзи], оғзи эса арслон оғзи сингари эди [бу Буюк Британия рамзидир]: аждаҳо [иблис] унга ўзининг [бениҳоя даражадаги] қудратини берди ва унинг қароргоҳини [Шайтоннинг қароргоҳи бўлиб, Ватиканнинг бош идораси Римда жойлашган], ҳамда буюк салтанатни [бутун дунё устидан ҳокимлик ёки бениҳоя даражадаги қудрат бўлмиш] берди. Мен эса унинг бошларидан бири ҳалокатли яралангандек эканлигини кўрдим; унинг ҳалокатли яраси тузалган эди [ХУДО ХУДОНИНГ муқаддасликларини ва бутун дунё одамларини кўмиш, эзиб, янчиб ташлаш ва куч билан бостириш, шунингдек ҚОДИР ХУДО, *‘EL SHADDAI’* нинг Муқаддас исмига шак келтириш мақсадида ўзининг бениҳоя даражадаги қабиҳ кучи, Ватиканни, Римни бериш билан ушбу охирги кунларда Шайтон руҳи Римга яна киргунга қадар кўҳна Рим қулагани ва аслида тугатилгани (ҳалокатини) ҳам Яҳё ва бизга ХУДО эслатмоқда.]: барча [алданган] дунё [ёвуз (гуноҳкор) одамларнинг] маҳлуқ ортидан ҳайрон қолдилар. Улар эса маҳлуққа [бениҳоя

*(2 Саҳифада давоми бор)*

**1** Ваҳ. 17:9

# БЕНИҲОЯ ДАРАЖАДАГИ ҚАБИҲЛИК

*(1 Саҳифанинг давоми)*

даражадаги қабиҳ дунё ҳокимияти] кудрат берган аждаҳога [иблис] сажда қилдилар” (Ваҳий 13:2-4а).

Сиз бутун дунё қабиҳ эканлигини аниқ ва равшан кўра оласиз, чунки улар иблисга сажда қилмоқдалар.[2] Яна, бу бўғизланган ҚЎЗИНИНГ Ҳаёт Китобида ёзилганларимиздан ташқари дунёдаги барча одамларни ўз ичига олади. Қабиҳ одамлардан иборат бутун дунё ўзини алдов (оммавий ахборот воситалари) орқали Ҳаёт Китобида исми қайд этилмаган ҳаммага ўзини бирлаштирган Шайтоннинг бениҳоя даражадаги қабиҳ кудратига сажда қилмоқдалар.

Шайтон таъсири остидаги қабиҳ инсоният дунё тарихида бир қанча бошқа вазиятларда қолганларимизни куч билан босишга уриниб кўрди. Шунга қарамасдан, ХУДО ЎЗИ лойдан[3] яратган инсониятга улардан кўра ЎЗИНИНГ не қадар кучлироқ эканлигини кўрсатди. У Нух ва унинг оиласидан ташқари—уларнинг барчасини сувга ғарқ қилиб—уларни ўлдириб дунёдаги барча ачинарли таналарни ҳаётдан маҳрум қилиб ҳаммасининг бурун ва томоқларига тошқин сувлари киришига йўл қўйди.[4]

ХУДО шунингдек барчасига уларнинг ёвузликда бирлашишлари учун уларни имконсиз қилиб турли тилларда гапиришларига сабабчи бўлиш билан Бобил Минорасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ёки ягона-дунё ҳокимиятини юзага келтиришдек инсониятнинг дастлабки уринишини барбод қилди. (Ибтидо 11:1-9). Буни ХУДО қилди, чунки У “Юрак барча нарсадан кўра риёкор ва ҳаддан ташқари ёвуз эканини билган ва ҳалиям билади: ким билиши мумкин? Мен Эгангиз юракни қидираман, ҳар бир кишига ўз йўлларига мувофиқ ҳамда қилмишлари мевасига мувофиқ ҳаттоки бериш учун баҳоналарни синаб кўраман. Каклик тухум қўйиб, уларни очиб чиқмагани каби; у бойликка эга бўлса-ю, ҳалоллик кетидан эришмаса, уларни ўз кунлари ўртасида қолдирса, унинг охирати аҳмоқона бўлажак.

“Аввалбошдан улуғвор юксак тахт муқаддаслигимиз жойидир. Эй ЭГАМ, Исроил умиди, СЕНИ ташлаб кетганлар барчаси уятга қолади, ҳамда улар мени тарк этганлар, ерда қайд қилинажак, чунки улар ЭГАсини, тириклик сувлари фаввορасини ташлаб кетди. Менга шифо бер, ЭЙ ЭГАМ, ва мен шифо топай: мени қутқар, ва мен нажот топай: ахир СЕН менинг олқишимсан. Қара, улар менга айтади, ЭГАМИЗнинг СЎЗи қайда? Энди келсинчи шу сўзлар. Менга келсак, СЕНга эргашиш учун чўпон бўлишга ошиқмадим: офат кунига орзуманд бўлмаганимни ҳам; СЕН биласан: лабларимдан чиққани тўғрилиги СЕНга аён. Мени ваҳимага солмагин: ёвуз кунда СЕН менинг умидимсан. Мени таъқиб қилгани учун уларга лаънат бўлсин, лекин менга лаънат ўқимасин: Улар саросимага тушсин, бироқ мени саросимага туширма: улар устига ёвуз кун келтир ва уларни икки баробар ҳалокат билан яксон қил” (Еремиё 17:9-18).

Бу икки бой берди, ва дунё ҳалиям мавжуд эди. Бироқ учинчи бой берилганда (йўқотишда)—бу эса тезда келмоқда—бу “учинчи бой бериш бўлади ва сиз чиқиб кетасиз” бўғизланган ҚЎЗИНИНГ Ҳаёт Китобида исми қайд қилинганларимиздан ташқари (Ваҳий 21:9-27). Катта олов келмоқда, бўғизланган ҚЎЗИНИНГ Ҳаёт Китобида бўлмаганларнинг барчаси абадийлик давомида абадул абадга ўтда ёнаётган бўлади.[5]

Ваҳий 13:4b да баён қилинадики, қабиҳ одамларнинг бутун дунёси ушбу сўзларда БМТнинг ягона-дунё ҳокимияти ёки янги дунё тартиботига сажда қилмоқда: “Улар махлуққа сажда қилдими. Ким Махлуққа тенг келади? У билан ким уруш қилишга қодир?, бошқа сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситаларининг бениҳоя даражадаги ёвуз алдовларига, суд тизими ва оммавий ахборот воситаларининг бениҳоя даражадаги қабиҳ сохта айбловлари, бениҳоя даражадаги қабиҳ ваҳшатлар (жиноят ҳаракатлар), адолатсизлик, қотилликлар, ҳар қандай турдаги вайронагарчиликлар, ўғирлик, исрофгарчилик, гуноҳкорлик, куфрликлар, асоссиз таъқиблар, одам ўғирлаб қочишлар бу нарсаларнинг барчаси нафрат кучи бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ягона-дунё ҳокимиятида барча йиғилиб қолган Шайтоннинг бениҳоя даражадаги, иблисона ва қабиҳ кучи томонидан ушбу заминнинг Художўй одамларига ташланишига қарши курашишга ким қодир-а? Солиҳлар ушбу бениҳоя даражадаги қабиҳ махлуққа қарши курашишга ўзларини шай тутишларига қодир ягона йўл мавжуд. Агар сиз қачондир ХУДОга ишонган бўлсангиз, У ХУДОнинг бутун қурол-аслаҳалари билан қуролланишингиз шартлигини ва“БИРИНЧИ ГАЛДА, имон қалқонини [ХУДОНИНГ КАЛОМИ билан] қўлга ол[инг], шу қалқон билан сиз ҚАБИҲНИНГ ҲАММА АЛАНГАЛИ ЎҚЛАРИНИ [сохта айбловлар ва ёвуз қонунлар] СЎНДИРА ОЛАСИЗ” (Эфесликларга 6:16) деб айтган бир пайтда ҳозир сиз УНГА имон келтирсангиз яхши бўларди.

Бутун битикда бу каби айтилади: “Ва ниҳоят, бинодарларим, Раббимизда ва УНИНГ куч-қудрати таъсирида [РУҲИ таъсирида] маҳкам бўлинглар. ХУДОнинг бутун қурол-аслаҳалари билан жиҳозланинг, зеро иблиснинг ҳийлаларига [дунёнинг бениҳоя даражадаги барча қабиҳ одамларига] қарши тура олинг. Ахир биз жон-танга қарши эмас, балки самовий оламдаги қабиҳликлар, ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга, юқори жойларда руҳий қабиҳликка [Шайтоннинг қабиҳ лашкари аъзолари, юқори жойларда ўрин эгалловчи инсонлар томонидан эълон қилинган] қарши кураш қиламиз.

“Шу сабабдан Худонинг қурол–аслаҳаларини [ХУДОнинг тўлиқ КАЛОМини ўрганиб чиқинг[6]] қўлингизга олингки, ёвузликка тўла кунларда [сохта айбловлар ва ғайритабиий қонунлар ва қувғинлар йўлингизда дуч келганда] маҳкам тура олинг, буларнинг барчасини адо этиб, туринг. Шу боисдан, ҲАҚИҚАТ [ХУДО КАЛОМИ] белкамарингизни тақиб, солиҳлик кўкраккамарингизни тақиб туринг; Оёқларингиз эса тинчлик Хушхабарини тайёрлаш пойабзалини кийган; Биринчи галда, имон қалқонини қўлга олиб, у орқали сиз қабиҳнинг барча алангали ўқларини сўндира оласиз. Шунингдек, нажот дубулғасини кийинглар, ХУДО КАЛОМИ бўлган РУҲ қиличини олинглар: РУҲда бутун ўтинч ва илтижо билан ҳамиша ибодат қилинглар ва бундан ташқари барча

**6** Мат. 4:4, Юҳа 8:31-32, Эф. 6:11-17, Кол. 3:16, 2 Сал. 2:15, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, 1 Бут. 2:2

**2** Мат. 24:11-12, 24, Ваҳ. 13:1-4, 11-15, 17:8, 18:2-3, 23 **3** Ибт. 2:7, 3:19 **4** Ибт. 6-7 боблар, 1 Бут. 3:20 **5** 2 Бут. 3:10-12, Ваҳ. 20:11-15



Чўпон Аламога мактублар
www.alamoministries.com

авлиёларга бутун сабот ва ўтинч билан боқинглар" (Эфесликларга 6:10-18). Бу Шайтоннинг янги ёвуз қонунлари туфайли авлиёларнинг ёрдамингизга эҳтиёж сезганини кўрганингиз заҳоти улар билан биргаликда туришни англатади.

Ваҳий 13:5-8 да шундай баён қилинади, "Унга [бениҳоя даражадаги қабиҳ ягона-дунё ҳокимиятига] буюк ва куфрона [бу бениҳоя даражадаги қабиҳ ягона-ҳокимият оммавий ахборот воситасидандир] сўзлар сочадиган оғиз берилди; унга қирқ икки ой давомида давом этиши учун қудрат берилди. Худога қарши куфр билан, Унинг номи ва Унинг маъбадига(макони)[Ичимизда У яшаган биз муқаддаслар (имонлилар) маъбадмиз, биз ХУДОнинг чодиримиз] шак келтириш ҳамда жаннатда яшовчиларга [биздан аввал уйга кетган фаришталар ва барча авлиёлар (яна, оммавий ахборот воситалари яхши бўлган барчани ёвуз кўринтиради)] қарши куфрлар ёғдириш учун кейин у оғзини очди. Авлиёлар билан уриш қилиш ҳамда уларни енгиш унга берилган эди: Унга ҳамма қабила, тиллар ва ҳалқлар устидан ҳокимлик берилган эди. Дунё бино бўлишидан бошлаб бўғизланган Қўзининг ҳаёт китобига исми қайд бўлмаган ЕР ЮЗИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАММАСИ УНГА САЖДА ҚИЛАЖАК [Бу оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади.]."

Яна булар барчаси оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот туфайли қўйилган авлиёларга қарши сохта айбловларни илгари сураётган ва авлиёларга қарши барча сохта айбловларга ишонувчи ер юзида яшовчи ўша қабиҳ бирларидир. Улар бу туфайли ўз қалбларини йўқотмоқдалар. Улар ғалаба қиляпмиз деб ўйлашади, аммо улар барчаси мағлуб бўлмоқдалар. Улар мағлубдир.

Иккинчи Бутрус, 2 бобда шундай баён қилинади,"Лекин халқ орасида ҳам ёлғон пайғамбарлар бўлгани каби, сизларнинг ораларингизда ҳам ўзларини сотиб олган ҳатто ЭГАмизни ҳам рад этиб ими-жимида лаънати бидъатлар [бир жинсли никоҳлар, бола олдириш ва бошқалардек Шайтоннинг янги қонунлари сингари] келтирувчи сохта узтозлар [оммавий ахборот воситалари] бўлади ва ўзларини шиддатли ҳалокатга йўликтиради. Кўплар эса нобуд қилувчи (қақшатқич) йўлларга эргашажак; улар сабабли ҲАҚИҚАТ йўли [ИСО йўли] тўғрисида ёвуз гаплар [Шайтоннинг дунё оммавий ахборот воситалари, ҳокимияти ва Римнинг шайтоний сиғиниш (культ) ибодатхонаси томонидан] айтилади. Очкўзлик (курумсоқлик) орқали сохта сўзлар билан улар сизни савдо қилинадиган молга айлантиради: узоқ вақтлик улар ҳукми энди пайсалламайди, ҳамда уларнинг абадий азобга ҳукм қилиниши келгай (тўхтаб турмайди).

"Чунки ХУДО гуноҳ қилган фаришталарни аямаган бўлса, аммо уларни Дўзахга ташлаган бўлса, ҳамда уларни ҳукм кунигача сақлансинлар деб зимистонлик тушовларига (кишанларига) топширган бўлса; қадимги дунёни ҳам аямади, бироқ солиҳлик воизи (тарғиботчиси), саккизинчи кишини, Нуҳни сақлаб қолиб худосизлар дунёси устига тошқин келтирди,; Садўм ва Ғамўра шаҳарларини кулга айлантириб кейин худосиз [Шайтоннинг янги қонунлари ва унинг бир жинсли никоҳ қонунлари ва ҳокимиятнинг бесақолбозлик ва лесбианликни юксакларга кўтаришига мувофиқ ҳаёт кечириш,[7]барчаси Шайтоннинг Ватикан оммавий ахборот воситалари томонидан қўллаб-қувватланган] яшашни маъқул топганларга ибрат қилиб уларни қириб ташлаш билан ҳукм қилди; Қабиҳларнинг [бесақолбозлар, лесбианлар, барча садўмликлар] қабиҳ яшаш тарзидан ўкинган солиҳ Лутни қутқарди: (Чунки улар орасида яшаган ўша солиҳ одам кўриб ва эшитиб, кундан кунга уларнинг қонунсиз қилиқларидан солиҳ қалби ўкинар эди;) ЭГАМИЗ Художўйларни васвасадан қандай сақлашни ва жазоланиши учун Ҳукм Кунига қадар бетавфиқларни захира сифатида сақлаб қўйишни билади: Бироқ ҳирсу шаҳватга (ноаҳлоқий нарсалар) берилиб тана хоҳиши билан юрувчи ва ҳокимиятдан (Худо ҳокимиятидан) эса нафратланувчи асосан уларни (сақлаб қўйишни яхши билади). Ўзига шунчалар бино қўйганми улар, ўзбошимча, улар қимматли зот (Художўй) ҳақида ёвуз сўзлашдан ҳам қўрқмайдилар. Фаришталар куч ва қудрат жиҳатидан буюкроқ бўлишига қарамасдан, ЭГАМИЗнинг ҳузурида уларга (ёвуз кишилар) қарши баланд овозда танқид қилиб айблов қўймайдилар. Булар эса, ушланиб йўқ қилиниши учун яратилган табиий онгсиз махлуқлар кабидир, улар (бу ёвуз одамлар) ўзлари тушунмайдиган нарсалар ҳақида ёвуз гапирадилар; ўзларининг шаҳватга берилганлиги (бузилганлиги) билан бутунлай йўқолиб кетади; Шунингдек бетавфиқликлари, солиҳ эмасликларининг эвазини олажак, чунки кундуз вақтида ҳисни жиловлай олмасликни ҳузур деб ҳисобловчи улар олажак. Улар сиз билан зиёфатда ўтирганда ўз алдовлари билан ўзларига доғ тушурувчи доғлар ва нуқсонлардир, улар ўз алдовларидан ниҳоятда мамнун бўладилар; Бевафоликка тўла ва гуноҳдан тўхтай олмайдиган кўзларга эга; алдабсулдаб ўзига оғдирувчи ўзгарувчан қалблар: ташналик тажрибаларини тадбиқ қилган юрак; лаънатланган болалар: Бетавфиқлик (солиҳ эмаслик) маошларини яхши кўрган Басўр ўғли Балъом йўлидан бориб тўғри йўлни тарк этган ва йўлидан озган (чиққан); Лекин ўз ёвузлиги учун танбеҳ олган: одам овози билан гапираётган гунг эшак пайғамбарнинг жиннилигига йўл қўймади.

"Булар сувсиз қудуқлар, бўрон ҳайдаган булутлардирлар; улар учун қоронғулик тумани абадий сақлаб қўйилган. Чунки улар беҳудаликнинг ўта баландпарвоз сўзларини гапирганида, улар танавий ҳирсга берилишлар орқали, ниҳоят даражадаги бузуқлик орқали хато яшовчилардан тоза қочиб қутилганларни авраб илинтиради. Улар уларга озод-

*(4 Саҳифада давоми бор)*

7 Ибт. 19:1-13, 24-25, Лев. 18:22, 20:13, Қон. 22:5, 23:17-18, Ҳак. 19:22-28, 1 Шоҳлар 14:24, 15:11-12 (3 Шоҳлар ўзбекча), Ҳизқ. 16:49-50, Рим. 1:18-32, 1 Кор. 6:9-10, 1 Тим. 1:9-10, 2 Тим. 3:1-9, Яҳудо 7-8

## ҲИНДИСТОН

Азиз Масиҳдаги биродар,

Исо Масиҳ номидан Саломлар. Биз хушхабарчилик хизматингиз учун ибодат қилмоқдамиз. Журналларда мактубларингизни ўқигандан кейин Худо инояти орқали ажойиб нажот топган жудаям кўп Ҳиндулар бор бу ерда.

Боббиланка қишлоғида, янги имонга келаётганлар учун, Якшанба куни биз дарахт остида сажда қилишни амалга оширдик. Бизнинг катта эҳтиёжимиз ибодат маркази. Илтимос руҳий ўсишимиз учун ёрдам беринг.

Эзгу Раббимиз сизни мўл-кўл марҳаматласин.

Масиҳдаги биродарингиз,
Солман Ражу Кола — Андрхра Прадеш, Ҳиндистон

## БЕНИҲОЯ ДАРАЖАДАГИ ҚАБИҲЛИК

*(3 Саҳифанинг давоми)*

лик ваъда қилган бир пайтда, ўзлари эса бузғунлик хизматкорлари бўлади: чунки одам ким томонидан забт бўлса [тор-мор бўлса], айнан ўшанинг қулига айланади. Чунки, агар РАББИМИЗ ва ХАЛОСКОРИМИЗ ИСО МАСИҲни билиш орқали дунё ҳаромликларидан қочиб қутилганларидан кейин, улар яна бу ерда чалкашди ва забт қилинди, охирги якуни улар билан ибтидодан кўра ёмонроқ эди. Зеро, уларга етказилган Муқаддас амрдан билгандан кейин юз ўгиришдан кўра улар учун солиҳлик йўлини билмаганликлари яхшироқ бўларди. Аммо, бу уларда ушбу ҳақиқий мақолга мувофиқ содир бўлди, Ит ўзининг қусуғига такрор қайрилар; ювилган тўнғиз лойда ағнагани қайрилар" (2 Бутрус 2 боб).

Бу башорат аллақачон рўй берди. Миллионлаб одамлар МАСИҲдан қайтдилар, ва бу билан 2 Салоникларга 2:3 да таъкидлаб ўтилган МАСИҲнинг яқинда келиши борасида ҳам башорат қилинган МАСИҲдан буюк қайтишни кўзда тутяпман. Башорат бундай деб баён қилади, "Ҳеч кимса сизни ҳеч қандай алдамасин: чунки (Масиҳдан) қайтиш биринчи келмагунча, ўша куни келмайди [МАСИҲ қайтиши]." Бутун дунё Шайтонга сажда қилаётган бўлса, бу МАСИҲдан қайтиш белгиси деб айтармидингиз? Агар Хушхабарнинг бўлиши мумкин (тахмин қилинган) хизматчилари (тарғибчилари) ҳам балоғат ҳисобланмиш никоҳнинг қонуний ёшини инкор қилаётсалар, ҳам Инжилдаги кўп бошқа битикларни рад этиб, ҳамда шайтоний ДАЖЖОЛ (анти-ХРИСТ) ҳокимияти ва уларнинг янги қонунларини қабул қилаётсалар, бу МАСИҲдан қайтиш белгиси бўлиши мумкин деб айтармидингиз? ЭГАМИЗНИНГ хизматчилари (хушхабар тарқатувчилари) сохта айблар билан қамоққа туширилганда, ҳамда бунга қарши ҳеч кимса сўз қилмаётган бўлса, бу МАСИҲдан қайтишнинг белгиси бўлиши мумкин дея олармидингиз?

Болаларни, уларнинг оналарию оталарини Техаснинг Уако деган жойида ва дунё бўйлаб кўплаб бошқа жойларда қирғинбарот (ваҳшиёна) қилса-ю, ҳеч ким бунга қарши ломмим демаса, МАСИҲдан қайтиш белгисини белгилайди деб айта олармидингиз? Имондан қайтган Масиҳийлар ўз чўпонларига улар ҳақида ёлғонлар айтиб, хоинлик қилиб, суд тизими ва ҳокимият уларни аямасдан мукофотлаяжагини ва Художўй чўпонларни умрбод қамоққа тиқажагини тўлиқ билган ҳолда дарғазаб ташланганда, бу МАСИҲдан қайтиш белгиси бўлиши мумкин деярмидингиз? Одамлар Самовий зотлар бу ерни барбод қилишдан сал олдин уни кузатаётган фаришталар эканлигини била туриб дунё бўйлаб шаҳарлар узра парвоз қилаётган НУЖларни кўрганда, буни белги деб айтармидингиз?[8] Имондан қайтган Масиҳийлар ўзларининг ёлғон сўзлаётганларини била туриб ушбу НУЖлар бошқа сайёрадан деб айтишлари мумкин, чунки уларнинг Жаннатдан эканлигини биладилар. Буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деб айтармидингиз?

Бир жинсли никоҳни қўллаб-қувватловчи президентлар, шоҳлар ҳамда бўлиши мумкин ибодатхоналарни кўрганда, буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деярмидингиз? Ягона-дунё ҳокимияти фарзандларингиз итоатсиз ва тузалмас бўлганда Инжил сизнинг амал қилишингизни амр қилгани каби уларни интизомга сола олмаслигингизни айтганда буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деб айтармидингиз? ДАЖЖОЛга (анти-Христ) айланган ғазабнок собиқ Масиҳийлар айтган ёлғон-ёшиқларга асосланиб ҳокимият фарзандларингизни ота-онадан ва Художўй ибодатхонадан ўғирлаб олганда, ҳамда ҳокимият уларни бесақолбозларга асраб берганда, буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деб айтармидингиз? Умумтаълим мактаб аларида болаларнинг бесақолбозлик ва лесбианликни, учинчи жинсий танлов деб, бузуқлик ўрнига касаллик деб ўқитилаётганини кўрганингизда, ҳамда бу иблисона, савдойи сиёсат кучга киритувчи Ватикан дунё ҳокимиятини кўрганда, буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деярмидингиз?

Агар сиз АҚШ Қомуси бошқа тадбиқ қилинмайди ва АҚШ Қомусига Биринчи Тузатиш, дин эркинлиги бошқа қўлланилмайди, шу сабабли Масиҳийлар бошқа Инжилга эътиқод қила олмайди ва нима дейилса ўшани қил деб айтаётган бузуқ ДАЖЖОЛ (анти-ХРИСТ) ҳокимиятни кўрсангиз, буни МАСИҲдан қайтиш белгиси деб айтармидингиз?

Агар сиз суратхона ёки гул дўконининг соҳиби бўлсангиз ва уларнинг бир жинслик никоҳларини суратга олмаслигингиз ёки уларнинг бузуқ никоҳ тўйлари учун гул жойлаштириш тартибини ярата олмаслигингизни бесақолбоз жуфтликларга айтсангиз, ҳокимият бузуқликни сизга мажбур қилади ва сиз бошқа энди кимга хизмат қилажагингизу кимга қилмаяжагингизни танлаш ҳуқуқидан маҳрумсиз. Буни сиз МАСИҲдан қайтишимизнинг, "эркинлар юртимиз ва довюраклар уйимиздан" охирги белгиси деб атармидингиз? Сиз бугунги кунда кўраётган бу барча адолатнинг бузуқ бузғунчиликлари Рим Католик Ибодатхонаси шайтоний сиғиниш ҳокимияти оммавий ахборот воситалари томонидан рўёбга чиқарилган. Ҳозиргина мен таъкидлаган нарса музтоғининг учигинадир.

Буни сиз бениҳоя даражадаги қабиҳлик деб атамармидингиз? Бу БМТ Дажжол (анти-ХРИСТ) ҳокимияти эмасми? Буни сиз устидан пастга тўкиш ва тагидан кўмиш (бениҳоя даражада) деб атамасдингизми? Бу эркинлигингизни сиқувчи ва тийиб қўювчи ҳокимият эмасми?

МАСИҲ келишига не қадар яқин эканлигимизни билишга ҳаракат қилаётган бўлсангиз, Инжилни ўқинг. Иккинчи Салоникаликлар 2:3 да айтилганидек биз ҳеч кимсанинг бизни алдашига йўл бермаслигимиз шарт. Унда келгусида бундай баён қилинади, "Чунки (Масиҳдан) қайтиш биринчи келмагунча ва ўша гуноҳ кишиси, лаънат ўғли фош бўлмагунча ўша кун келмайди."

Инжил икки одам мавжудлигини бизга айтади; биринчиси биринчи Одам Ато, иккинчиси эса МАСИҲ бўлмиш ОХИРГИ ОДАМ АТО (1 Коринфликларга 15:45-47). Одамлар ё МАСИҲ аъзолари, ОХИРГИ ОДАМ АТО аъзолари бўладилар, ё бўлмаса Дўзах ва Оташ Кўлига бориш йўлларидаги биринчи Одам АТО аъзолари бўладилар.[9]

Ўша лаънат одами ҳақида гапирувчи ушбу битик бутун алданган дунё тўғрисида гапирмоқда. Шайтонга сажда қилувчилар, шу боис, биринчи-Одамнинг аъзолари бўлдилар. Улар Дўзахга ва Оташ Кўлига бораётганлардир. Улар мана буларни айтаётганлар эди, "Ким махлуққа ўхшаш? Ким у билан уруш қилишга қодир?" (Ваҳий 13:4). У бир вақтлар Нуҳ пайғамбар

**8** Ибт. 19:1, 13; 2 Самуэл 2 (2 Шоҳ ўзбекча). 24:15-16, 2 Шоҳлар (4 Шоҳлар ўзбекча) 19:35, 2 Солн. 32:21, Заб. 78:49, Мат. 13:41-42, Ҳав 12:23, 2 Сал. 1:7-10, Ваҳ. 7:1-2, 9:15, 15:1 **9** 1 Кор. 15:21-22, 44-50

кунларида дунё одамларига қилгани каби улар бир тарсаки, бир зарба билан ушбу қабиҳ одамларнинг барчасини ХУДОНИНГтаг-томири билан йўқ қила олиш қобилияти борлигини тан олмайдилар.[10] ХУДО ЎЗИ оддий лойдан[11] яратган бу барча мавжудотларни олов[12] билан йўқ қилажак.

Ёзилганки, ХУДО лойдан яратган бу биринчи Одам Ато "ХУДО деб аталмиш, ёки сажда қилинмиш барчасига қарши чиқади ва ўзини устун қўяди; шунинг учун ХУДО каби ХУДО маъбадида у ўтиради" [ХУДО маъбадининг бу аъзолари Шайтон маъбади бўлганлардир. Шайтон, ўз руҳи орқали, ХУДО маъбадининг ушбу собиқ аъзолари, дажжолга айланганлар ичида ҳозир ўтирибди. Улар имондан қайтишидан аввал, ХУДО маъбадининг қисми эдилар. РУҲда қайта туғилганларимиз, ХУДО маъбадида қолганларимиз учун, битик бундай таъкидлайди, 'ХУДОнинг маъбадилигингизни ва ХУДО РУҲИ ичингизда яшашини наҳотки билмайсизлар?' (1 Коринфликларга 3:16). Шунга қарамай, бир вақтлар ХУДО ЎЗ РУҲИ орқали яшаган жой, ХУДОнинг маъбади бўлган ушбулар имондан қайтдилар, ҳамда ичларига Шайтон руҳи киришига йўл қўйдилар. Улар аждаҳога, иблисга сажда қилган, бутун алданган дунёга айландилар (Ваҳий 12:9). Яна, улар ҳозир алданган одамлар билан бирлашган Дажжол (Антихрист), бириккан ягона-дунё ҳокимияти бўлдилар, ўзини [улар билан бирлашган] Худо [лар] деб кўрсатиб [бугунги кундаги каби ниҳоят даражада йўлдан озиш бўлсин учун Шайтон Худо[13] қонунларини ўзгартиражагини ва айни жинс вакиллари никоҳларини, бола олдириш (биринчи даражали қотиллик ҳисобланувчи), зино, фаҳшу хиёнат (ўйнашлик) ва никоҳга иснод келтиришни ҳурматласин учун бўғизланган ҚЎЗИНИНГ Ҳаёт Китобида исми қайд қилинганлардан ташқари барчани мажбурлашини, кейин улар ХУДОга УНИНГ КАЛОМИни, УНИНГ қонунлари, УНИНГ низомлари, ҳамда УНИНГ аҳлоқий амрларини рад этиб шак келтиришини кўрсатиб]." (2 Салоникаликларга 2:4).

Ҳаворий Павлус сўнгра 5 оятдан 12 оятгача МУҚАДДАС РУҲ орқали буларни баён қилади, "Ҳалиям сизлар билан бўлганимда мана буларни айтганим эсингизда йўқми? Энди бўлса ўз вақтида намоён бўлиши мумкин бўлсин учун уни (Дажжолни) нима тийиб турганини сиз биласиз [ушбу Дажжол фош бўлиш вақтига қадар мана бу одамларни яксон қилиб ХУДО бермай тийиб турди, энди бўлса у тўғрисидаги ваҳий зоҳир бўлди. Энди сизларнинг, дунё одамларининг мазкур гуноҳ ва барча гуноҳларингиз учун тавба қилмаслик учун баҳонангиз қолмади.].

"Зеро қабиҳликнинг сирлилиги аллақачон ишга тушган: Уни тийиб қолгувчи Ягона бири, [ХУДО] У йўлдан чиққунга қадар уни тийиб қолгай. Кейин эса РАББИМИЗ уни ЎЗИНИНГ оғзи РУҲИ билан битирадиган ва ЎЗИНИНГ келиши ёрқинлиги билан куппа якун қиладиган ўша Қабиҳ ошкор бўлажак: Келиши Шайтонинг ишига мувофиқ бўлган бутун қудрат ва аломатлар, ҳамда ёлғон мўжизалар билан ҳатто у ҳам бўлади (ошкор бўлади). [Бу Шайтоннинг Дўзахга ва Оташ Кўлига йўлланишига қадар охирги томчисидир, шу боис у одамларни ўзининг ҳар нарсага қодирлигига ишонтириб уларни умидсизлантириш мақсадида аслида буткул оламда энг заифи бўлишига қарамай, кудрати етгунча имкон қадар барчасини қилмоқда.[14] Аллақачон у миллиардлаб қалбларни Дўзахда, сўнгра Оташ Кўлида у билан бирга абадийликни кечиришига сабаб бўлди.]

"Улардаги ёвузликнинг (солиҳ эмаслик) барча алданувчанлиги ўлади; чунки улар нажот топиши мумкин бўлган ҳақиқат севгисини олмадилар. [Баъзи одамлар деяжакки, "Нимадан қутқарилган (нажот топган)?' Жавоби: ҳеч қачон тинчлантириш топмайдиган (халос қилмайдиган) оташ, олтингугурт (дўзах азоблари) ва лавада муттасил қайнатилиш ва қовурилишдек абадийликдан қутқарилган. На оғриқ дорилари, на сув ва на музли салқин ичимликлар. Ҳеч таом, на соя ва на бир лаҳзалик дам. Сиз қутқарилишни исташингиз маъқул бўлган нарса шудир. Агар сизда андак бўлсада идрок умуман бўлса, сиз шундай қилажаксиз!] Шу боисдан ҳам, ХУДО уларга ёлғонга ишонсинлар учун ҳақиқатга ишонмайдиганлар, аммо ёвузликда (солиҳмаслик) ҳузур-ҳаловат кўрганлар барчаси лаънати бўлиши мумкинлиги учун кучли гумроҳлик (адаштириш, васваса) юборажак[бутун дунё ёлғонга ишонади, акс ҳолда бутун дунё алданмаган бўларди, ҳамда буткул дунё ҳозир қилганлари сингари Шайтонга, иблисга, маҳлуққа, БМТ дунё ҳокимиятига сажда қилмаётган бўлардилар]:" (2 Салоникаликлар 2:5-12).

*(6 Саҳифада давоми бор)*

**10** Ибт. 6:11-13, 7:4-23 **11** Ибт. 2:7, 3:19, 18:27, Аюб 10:9, 34:15, Заб. 103:14, 104:29, Воиз. 3:20, 12:7 **12** Мал. 3:2, Мат. 3:10, 12, 13:41-42, 25:41, Юҳа 15:6, 2 Сал. 1:6-9, 2 Бут. 3:3-12, Яҳудо 7, Ваҳ. 14:10, 19:20, 20:10, 15, 21:8 **13** Дон. 7:23-25, Мат. 5:17-18

**14** Иша. 14:12-20, Ваҳ. 12:12

## Поул Болга гувоҳлиги



*Биродар Пол Болпа*

Менинг гувоҳлигим шуки, 32 ёшдалигимда, ўзимнинг жонимга қасд қиладиган, ўзи учун ҳалокатли ва ўзимни йўқотган ва умидсиз эдим. Мен ажрашган ва етти йил хизмат қилган харбий хизматдан чиқарилган эдим. Бунгача, 26 ёшимда, бахтли оила қурган эдим ва соғлом ўғил чақалоғим бор, кварталда камдан-кам учровчи кўринишдаги энг янги уй, ҳамда гаражимда икки мутлақ янги машинам бор эди. Бир кечаси, хотиним ва мен ён қўшнимиз ўзларининг патиосини (ички ҳовличасини кенгайтираётгани боис, патиомизни (ички кичик ҳовлимизни) кенгайтиришга қаердан пул топмоқчи эканлигимизни аниқлашга ҳаракат қилиб тун оққанда(саҳарга яқин) уйғоқ эдик. Ҳаётим издан чиқа бошлаган пайт эди бу. Ҳаётим қаёққа кетаётганини ўзимдан сўрардим. Нима? Яхшироқ уй ва каттароқ гаровга ипотека эвазига шаҳарнинг бошқа томонига кўчишми? Шуми фақат?

Ҳаётимдаги бу нуқтага қадар, мен мутлақо Америка орзусига сотилган эдим: ҳарбий хизмат, колледж, никоҳ, оила ва мартаба; олти ойлар тахминан ўтиб, буларнинг барчаси йўқ бўлди. Беш йил кейин, ҳафтасига бир марта икки бошқа-бошқа терапевтга мурожаат қилиб кучайтирилган психотерапияда бутун бир йилни ўтказдим. Шунингдек, бу йил мобайнида, мақсадим ҳар ҳафтасига ўзим қилган ўзини ўзи ўстириш китобини ўқиш эди. Соғайиш ва ўзимни тузатишимга қатъий (тайин)

*(7 Саҳифада давоми бор)*

## БЕНИҲОЯ ДАРАЖАДАГИ ҚАБИҲЛИК

*(5 Саҳифанинг давоми)*

Иккинчи Юҳанно 6-11да бундай таъкидланади, “бу эса УНИНГ [ХУДОНИНГ] амрларига итоат этадиган севгидир. Аввалбошдан эшитганингиз каби, бу ундан чиқмай юришингиз мақбул бўлган амрдир. Чунки танавий вужуд билан ИСО МАСИҲ дунёга келганлигини тан олмайдиган кўп (алдамчию) муттаҳамлар бу дунёга кирди. Бу алдамчи ва дажжолдир. Эришган нарсаларни йўқотмаслик, балки тўлиқ мукофот олиш учун ўзингизни эҳтиёт қилинглар. МАСИҲ таълимотини бузувчи ва унда яшамайдиган ҳар қандай кишида ХУДО йўқдир. МАСИҲ таълимотида яшовчида, ҳам ОТА, ҳам ЎҒИЛ мавжуддир. Агар бирор киши сизга келиб, бу таълимотдан бошқа таълимотни олиб келса, уни на уйингизга қабул олинг, на ХУДО оқ йўлини ти ланг [Аминманки РАББИМИЗ сизнинг улар билан иш қилишингизни истамайди, шундай экан РАББИМИЗ ким билан иш қилажагингизни танлаш опциясини беради]: Зеро унга ХУДО оқ йўлини тиловчи унинг ёвуз ишларининг шеригидир.”

Шундай қилиб, сиз уларга “ХУДО оқ йўлини” тиласангиз, сиз бесақолбозлар ва бошқа барча тавба қилмаган гуноҳкорлар олажак Дўзахда абадий ёнувчи ва Оташ Кўлидаги абадийлик бўлмиш ўша ёвуз мукофотни ўкириб йиғлаб қутилиб бўлмас тарзда олажаксиз. Шайтон бесақолбозлар ва бола олдирувчилар (қотиллар) [15]билан ҳамтовоқ бўлишингизни истайди ва у улар ва бошқа ҳамма тавбасиз гуноҳкорлар шубҳасиз олажак айни ёвузлик, абадий тақдирни олажагингиз учун айни жинс вакиллари никоҳларига овоз беришингизни истайди.[16]

Биз Шайтон билан жангдамиз. У сизнинг ва барчанинг қалбларини бузиш учун йўл қидирмоқда.[17]Сиз ХУДО томонидан асралишни истасангиз, сиз учун курашишни ХУДОдан сўраш билан курашишингиз керак, чунки ХУДО сиз учун кураш қилмаса, унда истасангиз-да, истамасангиз-да сиз ғалаба қилмайсиз. Сиз ёки ХУДОдан сиз учун курашиш-курашмаслигини сўраяжаксиз. Яна, ХУДО сиз учун кураш қилмаса, сиз ғолиб бўла олмайсиз. Инжилдаги ҳар қандай жанг инсон томонидан эмас, ХУДО тарафидан ғолиб келинган. Сиз ё Шайтон учун курашасиз ёки сиз учун Шайтонга қарши Худога эга бўласиз. У ерда бетарафлик, аросатдалик йўқдир. Бу сизнинг қалбингиз учун кураш, сиз эса ё ғолиб келасиз ёки мағлуб бўласиз. ХУДО сиз учун жанг қилса, сиз ғолиб келасиз. Сиз ХУДО ёки Шайтон, Жаннат ёхуд Дўзах ўртасида танлов қилишингиз шарт, шунда сизнинг ё Жаннатда ёки Дўзахда абадийлик учун сиз қилажак танловингиз бўлади бу. [18]Бу чин ҳақиқатни миянгиздан чиқариб ташлашга уринишингиз мумкин, лекин Ҳукм Куни буни қабул қилиб, кўнасиз. Буни истасангиз-да, истамасангиз-да, ХУДО Ҳукм Минбари (Худо ҳукмхонаси) олдида туражаксиз, ҳамда сизга ҳеч ким аллақачон бу ҳақда айтмаганини айтишингизни истамайман.

Бу дунё жуда узоққа кетди. Шубҳасиз ҳисоб-китоб куни бўлишини билишингизни истайман.[19] ХУДО УНГА гуноҳларини эътироф этиб агарда тавба қилажак бўлсалар, энг қабиҳ гуноҳкорларга нажот беражак. (Ишаё 1:18). Агарда сиз ХУДОга гуноҳларингиз учун тавба қилсангиз, ҳаётингизни узил-кесил УНИНГ ўзгартиришига йўл бераёт-

*(8 Саҳифада давоми бор)*

**15** Ибт. 9:6, Чиқ. 20:13, 21:12, Лев. 24:17, Саҳ. 35:16-21, 30-33, Қон. 5:17, Мат. 19:18, Марк 10:19, Рим. 13:9, Гал. 5:19-21, Ёқуб 2:11, Ваҳ. 22:14-15 **16** Ибт. 19:1-13, 24-25, Лев. 18:22, 20:13, Қон. 22:5, 23:17-18, Ҳак. 19:22-28, 1 Шоҳлар (3 Шоҳлар, ўзбекча) 14:24, 15:11-12, Ҳизқ. 16:49-50, Рим. 1:18-32, 1 Кор. 6:9-10, 1 Тим. 1:9-10, 2 Тим. 3:1-5, Яҳудо 7 **17** Ибт. 3:1-6, Иша. 14:9-17, Юҳа 8:44, 2 Кор. 4:3-4, 11:13-15, 2 Сал. 2:3-12, Ваҳ. 12:9-10, 12-13, 17:8 **18** Ёш. 24:15, Дон. 12:1-3, Марк 16:16, Луқо 14:15-33, Юҳа 3:14-18, 12:23-26, Рим. 8:35-39, 1 Тим. 6:6-12, 2 Тим. 2:3-5, 2 Юҳа 9 **19** Мат. 7:21-27, 13:37-43, 47-50, 16:27, 25:31-46, Луқо 13:23-30, Юҳа 12:48, 2 Кор. 5:10, 2 Сал. 1:4-10, Ибр. 9:27, 2 Бут. 2:4-9, 3:7-14, Яҳудо 5-21, Ваҳ. 20:11-15, 21:7-8, 24-27, 22:11-20

## ГАНА

Қадрли севикли Чўпон Тони Аламо

Раббимиз ва Устоз Исо Масиҳ номи билан сизга Саломлар. Ушбу мактуб сизга соғ омонлигингизда етиб борсин. Бизга йўллаган мактубхалтангизни олдик ва бундан кўпдан кўп миннатдормиз. Бизда бир қути хушхабар мактублари ва Халоскор (Муқаддас Ёғ Суртилган) китоблари бор. Яхши ишларингиз учун Худо сизни мўл-кўл марҳаматласин.

Чўпон Тони, хушхабар тарқатув бу ерда жуда жиддий кетмоқда ва кўп қалблар сизнинг ажойиб хушхабар мактубларингиз орқали Масиҳ учун қозонилди. Икки юздан ортиқ қалблар қозонилди ва Масиҳ учун кўпроқ қалбларни қозонамиз деб умид қиламиз. Жуда кўп катта дўконлар ва кичик магазинларга ташриф буюрдим. Хушхабар мактубларингизни қандай тарқатишимни кўрсатувчи баъзи фотосуратлар илова қилинган. Чўпон, бу одамлар Худо Каломига ташналар, қатъий ишонаманки, сизнинг CDларингиз ҳам кўп ёрдам бериши мумкин. Биз адабиётларни ўқиб бўлгандан кейин ўзида бўлганлар бошқаларга узатишини сўраб оқилона тарқатамиз ва бу билан бизда яна хушхабар мактублари қолади.

Чўпон Тони, шу туфайли мен йигирматадан иборат аъзо бўлганимиз боис футболка ва узун ва кенг эркакча тўқима куйлак (фуфайка), ҳамда CDлар йўллаш имконингиз бўлса миннатдор бўлардик. Чўпон Тони, сиз ва хушхабарчилик хизматингиз учун ибодат қилишда давом этамиз. Илтимос, материални йўллаганингиздан кейин имкон қадар тез билдиришингизни илтимос қиламиз.



*Биродар Деннис Дилон Чўпон Аламонинг қалбни забт этувчи адабиёти ва Масиҳ китобларини Донкоркром, Ганада тарқатади.*

Деннис Дилон — Донкоркром, Афрам Плейнс, Гана

# КАЛИФОРНИЯ

Ҳурматли Чўпон Тони,

7 Май, 2013 йилда, Раббимиз ҳаёт Каломига муҳтож аёлга мени бошлади. Илгари саноқсиз маротаба тарқатган машина тўхтаб туриш жойи ҳудудида Калифорниянинг Глендейл шаҳрида “Ўз жонига қасд қилиш гуноҳ” деган хушхабар мактубингизни Раббимиз учун тарқатардим. Раббимиз Лексусда ўтирган аёлга “Ўз жонига қасд қилиш гуноҳ” (адабиёт) ни топширишга мени бошлади; унинг исми Жеки эди. Унга Худо Каломини топширгандан кейин ва кейинги машинага ўтмокчи бўлганимда, бу сўзларни эшитиб қолдим, “Сиз кимсиз?” Мен Исо Масиҳнинг шогирдиман дедим. У деди, “тушуниш қийин (сюрреалистик). Бу чинми? Мен уйга эртага бормокчи эмаслигимни уларга айтиш учун оиламга қўнғироқ қилиш арафасида эдим. (I was going to dive off a free way) Мен тез қатнов чорраҳали автострадаларга калла ташламоқчи эдим.” У менга даъвоси йўқ саратон касталиги борлигини ва саратон хасталигининг унинг тос суяги орқали еб ётгани ва тос суяги ўрнини алмаштириш жарроҳлигини кечиришга сабаб бўлгани, ҳамда оила аъзолари аллақачон уни гўё ўлган деб билиб тўнай (талай) бошлаганини айтди. Бунинг устига устак, унинг йигити уни ташлаб кетибди ва унинг ўлиши арафасида пул учун бошқага уйланибди.

У мендан нима қилишни сўради. Мен унга Раббимиз Исо Масиҳгина уни чиндан сева олгувчилигини ва Раббимиз унинг фиғонларини эшитганини, ҳамда уни Дўзахдан қутқаришни исташини ва унга янги ҳаёт беришини айтдим. Биз биргаликда гуноҳкор ибодати орқали ибодат қилдик ва бир неча кўп дақиқа ибодат қилдик. У ундан кейин жуда енгил тортган эди. У бундан сўнг менга пул таклиф қилди, лекин Руҳ менга рад этишни айтди.

Мен Раббимиз қандай қилиб мени ишлата бошласин учун оиламдан ажратиши керак бўлгани ва авваллари Унга (ХУДО КАЛОМИГА) шу сабабдан умуман ишонмаганим, энди бўлса Худо Каломини чин деб тасдиқлаган Худо мен учун барча нарсаларни амалга оширгани боис ишонишим борасидаги баъзи шахсий шаҳодату гувоҳликларимни унга айтдим.

У менинг гувоҳлигимдан таскин топгандай бўлди. Сўнгра мен Жекининг бошқа имонлилар билан йиғилиши кераклигини айтдим ва уни хизматларга таклиф қилдим.

Худога бутун Шарафлар бўлсин. Раббимизга ҳамду-санолар.

Девидл Палмисано

# ФИЛИППИН ОРОЛЛАРИ

Муҳтарам Инжил Хушхабарчиси Тони Аламо,

Мен ҳокимият идорасига ишга ёлланган етти фарзанднинг ишчи онасиман. Ишимда унча кўп маош олмайман, даромадимга қўшимча сифатида, идорада озиқ-овқат, печенье ва сендвичлар каби маҳсулотларни идорадаги ҳамкасбларимга сотаман.

Минданао вилоятидаги уйимиз тошқин, кўчкилардан зарар кўрганда, ҳамда уйимиз ва ҳосилимизни барбод қилгандаги ўтган йилги, айникса 2012 йилнинг декабрь ойи ўрталарида ҳаёт қийин бўлди. Шуниси кувонарлики, менинг кекса отам яхшиям уйнинг ташқарисида хавфсизлик учун ҳаракат қила олди, акс ҳолда уйимиз томи қулаб тушиб, у ҳалок бўлган бўлиши мумкин эди.

Шундай қилиб, турмуш ўртоғим ва мен гуруч, консерваланган маҳсулотлар ва бева отамга кийимлар олиб келиш учун вилоятдаги уйимизга кетдик. Уйимизда қолган ёлғиз киши у эди ва у бу бир хилликдан чарчаган эди. Бу ҳаётимиздаги энг қайғули Милод байрамларидан бири эди ва биз 2013 Янги Йилни қоронғуликда (электрсиз) кутиб олдик.

Шу боис, қайтганимизда мен отамни бу ерда шаҳардаги жойимизга олиб келишга қарор қилдим. Дастлаб у ёлғиз эди, экинларини, паррандалари, чўчқалари, осиё буқасини соғинади, бироқ ҳаёт давом этиши керак. Менинг ишим бор ва оилам учун қатъий туришга мажбурман. Биз бир-биримизга ёрдам берамиз.

Сизнинг ҳар Якшанба кундаги дастурий кўрсатма ва мактубларингиз билан, Худо Унинг абадий ҳаёт ваъдасида қатъий турушимизни бизга айтишини ва У нима бўлишидан қатъий назар биз учун таъминлаш мақсадида бу ерда доимо бўлишини айтишини биламиз.

Сиз биз учун доимо шу ерда бўлувчи Худонинг ваъдаларидан бирисиз. Оиламиз учун у ерда бўлишингиз учун ташаккур.

Сузан Комалинг

Пасай Шаҳри, Филиппин ороллари

# Поул Болга гувоҳлиги

*(5 Саҳифанинг давоми)*

эдим, бироқ ўзини-ўзи барбод қилувчи юриш-туришга чуқуррок ва янада чуқуррок кириб бора бошладим.

Бундан бир оз кейин, сайраётган қушлар ва гўзал яшил баргларга эга Жанубий Калифорниядаги сойда эдим. Мен бутунлай ёлғиз бўлганимга ишонаман, мени чақиришди ва “Илтимос, кимдир менга ёрдам берсин!”деб аслида бақирдим.

Уч кун кейинроқ, Голливуд Хиёбонида (Бульварида) витриналарга харид қилишни ният қилмасдан назар солиб чиқаётгандим ва ниҳоят барчаси жонимга тегканди. Ҳаётимда менга манзур бўлаётган ягона нарсам ишимда ишлаш эди. Ишимни яхши кўрардим. Душанба куни ишга қайта олгунимча хафта охирини қандай ўтказиш билан бошим гаранг эди? Тез орада, Тони Аламо Масиҳийлик Ибодатхонасидан биродар яқин келди. У сўради, “Абадий Ҳаётга эга бўла олишимиз учун хочда Масиҳ қандай қурбон бўлгани ҳақида эшитиш учун ибодатхонага келишга қизиқармидингиз?”. У шунингдек таом тўғрисида ниманидир айтиб ўтди, ва эсимдаки, унинг намойиши самимий эди. Савдода бўлиб, мен яхши намойишни юқори баҳоладим. Унинг ибодатхонаси қаердалигини сўрадим. Бу Калифорниянинг Саугус шаҳрида бўлганини менга айтди. Мен англаганимда, бу Ланкастер яқинида эди, агар ибодатхонага борсам, хафта охирининг 4 ёки 5 соатини йўқ қилишимга ёрдам берар деб ўйлай бошладим. Шундай қилиб, автобусга чиқдим ва ибодатхонага бордим.

Мен у ерга етганимда, ибодатхона эшиклари орқали юраётганим ва умид учқунини сезганимни эслайман. Биринчи ташрифимда қутқарилмадим, бироқ ҳар оқшом хизматларга икки хафта давомида қатнадим. Ахийри, қайсар тиззаларимни эгдим ва улуғвор тарзда нажот топдим. Бу йирик бир оғирлик мендан олиб ташлангандек бўлди. Айбдорлик ва оғриқ бошқа йўқ эди у ерда, мен эса йиллар давомида ҳис қилмаган софликни сездим. Масиҳ Исодаги янги туғилган мавжудот эдим. Психотерапия ва ўзини-ўзи тузатиш китоблари бошқа энди чалғитувчи омил бўлмай қолганди. Қодир Яратувчи билан шахсий муносабатим бор эди. Мен ҳақда тинчлик бор эди. Мен Раббимиз Исо Масиҳда ўсиш ва билишга келган 28 йил мобайнидаги энг севикли, ўстирувчи, ғамхўрона муҳитга мени Раббимиз қўйган эди.

Чўпон Тони, бутун бу йилларда руҳий отам бўлишингиз учун рахмат.

## БЕНИҲОЯ ДАРАЖАДАГИ ҚАБИҲЛИК

*(6 Саҳифанинг давоми)*

ган бўлсангиз, сиз кундалик асосда бу борада муваффақият қозонажаксиз. [20]СИЗ ХУДО КАЛОМИни истеъмол қиласиз, ҳамда сиз бу ҳақда сохта Масиҳий бўла олмайсиз.[21]Бу абадий қалбингизнинг айни ҳаёти учундир. ХУДОнинг сизни ўзгартиришига имкон бериш ва номингиздан сизнинг ичингизда яшашига имкон бериш-бу истагингиз бўлса, унда мана бу ибодатни айтиш орқали У билан ишга киришинг:

**Раббим ва Худойим, қалбимга, гуноҳкорга раҳм қил.[22] Ишонаманки, ИСО МАСИҲ тирик ХУДОнинг ЎҒЛИдир.[23] Ишонаманки, барча эски гуноҳларимнинг кечирилиши учун У хочда қурбон бўлди ва ЎЗИНИНГ қимматли қонини тўкди.[24] Ишонаманки, ХУДО ИСОни МУҚАДДАС РУҲИ кучи орқали ўликлардан тирилтирди,[25] ва У гуноҳимни тан олишимни ва бу ибодатни эътироф этишимни эшитиб бу вақтда ХУДОнинг ўнг қўлида ўтиради.[26] Юрагим эшикларини очаман, ва СЕНи қалбимга чорлайман, РАББИМ ИСО.[27] Бош Суяги деган жойда хочда менинг ўрнимга СЕН тўккан қимматли қон билан бутун ярамас гуноҳларимни ювиб ташла.[28] СЕН мени рад этмайсан, РАББИМ ИСО; СЕН гуноҳларимни кечирасан ва қалбимни қутқарасан. СЕНИНГ КАЛОМИНГ, Инжил шундай дегани учун биламан.[29] КАЛОМИНГ СЕН ҳеч кимдан юз ўгирмаслигингни айтади, ва бу мени ҳам ўз ичига олади.[30] Шу туфайли, СЕН мени эшитганингни биламан, ва СЕНинг менга жавоб берганингни биламан, ҳамда нажот топишганимни биламан. [31] Ва қалбимга нажот берганинг учун СЕНдан миннатдорман, РАББИМ МАСИҲ, ҳамда СЕН буюрганинг каби амрларингни бажо келтириш ва бошқа гуноҳ қилмаслик орқали миннатдорчилигимни билдираман.[32]**

Қутқарилишдан кейин, ИСО сизнинг ОТА, ЎҒИЛ, ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан, тўлиқ сувга ботирилиб, чўмдирилишингиз зарурлигини айтди.[33] Инжилнинг Ёқуб Подшоҳ нусхасини кунт билан ўқинг ва ўладиган кунингизга қадар айтилганларига амал қилинг.[34]

РАББИМИЗ нажотинг (Марк 16:15) ҳақида бошқаларга айтишингни истайди. Чўпон Тони Аламонинг Хушхабар адабиётининг ёювчиси бўлишинг мумкин. Бу адабиётни сизга текинга йўллаймиз. Кўпроқ маълумот олиш учун бизга қўнғироқ қилинг ёки электрон мактуб йўлланг. Ушбу мактубни бошқа кимдир-биров билан бўлишинг.

Агар ИСО буюргани каби дунёнинг нажот топишини истасангиз, унда ХУДОдан УНИНГ ушрлари ва эҳсонларини ўғирламанг. ХУДО шундай деди, “Инсон ХУДОдан нарса ўғирлашга журъат қиладими? Аммо сизлар Менинг нарсамни ўғирлаяпсизлар! Яна “нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз!. Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менинг нарсамни ўғирлабсиз–а! Сизлар, бутун халқ, [ушбу бутун дунё] лаънатисизлар! Қани, омборхонага ушрни [ялпи киримингизнинг ўн фоизи] беками–кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга [нажот топган қалблар] озуқа [руҳий озуқа] келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда кўрасизлар, Мен Само дераза қопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни чексиз сероб қилиб ёғдираманки, уни қабул қилишга жой қолмагай. Мен нобуд қилганнинг сиз учун юзига соламан. У экинларингизни нобуд қилмайди. Далада ҳосил вақти келгунга қадар узумзорларингиз ҳосили ерга тушмайди ҳам, — дейди Сарвари Олам.— Шунда барча халқлар сизларни бахтли деб атайди. Ҳа, юртингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам (Малаки 3:8-12).

---

**20** Луқо 9:23-25 **21** Мат. 4:4, Юҳа 8:31-32, Эф. 6:11-18, Кол. 3:16, 2 Сал. 2:15, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, 1 Бут. 2:2 **22** (Заб. 51:5, Рим.3:10-12, 23) **23** (Мат.26:63-64, 27:54, Луқо 1:30-33, Юҳ. 9:35-37, Рим.1:3-4) **24** (Ҳав. 4:12, 20:28, Рим.3:25, 1 Юҳ. 1:7, Ваҳ.5:9) **25** (Заб. 16:9-10, Мат. 28:5-7, Марк 16:9, 12, 14, Юҳ. 2:19, 21, 10:17-18, 11:25, Ҳав.2:24, 3:15, Рим. 8:11, 1 Кор.15:3-7) **26** (Луқо 22:69, Ҳав. 2:25-36, Ибр.10:12-13) **27** (1 Кор. 3:16, Ваҳ.3:20) **28** (Эф. 2:13-22, Ибр. 9:22, 13:12, 20-21, 1 Юҳ. 1:7, Ваҳ. 1:5, 7:14) **29** (Мат. 26:28, Ҳав. 2:21, 4:12, Эф. 1:7, Кол. 1:14) **30** (Мат. 21:22, Юҳ. 6:35, 37-40, Рим. 10:13) **31** (Ибр. 11:6) **32** (Юҳ. 5:14, 8:11, Рим. 6:4, 1 Кор. 15:10, Ваҳ. 7:14, 22:14) **33** (Мат. 28:18-20, Юҳ. 3:5, Ҳав. 2:38, 19:3-5) **34** (Қонун. 4:29, 13:4, 26:16, Ёш. 1:8, 22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Ваҳ. 3:18)22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Ваҳий. 3:18

---

*Илтимос кўпроқ маълумот олиш ёки қизиқтириши мумкин бошқа мавзулар бўйича адабиётлар олиш учун бизга боғланинг.*

**Тони Аламо, Дунё Чўпони, Тони Аламонинг Дунё бўйлаб Хрестиан Хушхабарчилик хизматлари • Почта Қутиси 2948, Голливуд, CA 90078 АҚШ**

**Йигирма тўрт соатлик ибодат ва маълумот линияси: (661) 252-5686 • Факс (661) 252-4362**

**www.alamoministries.com • taoffice@alamoministries.com**

*Тони Аламонинг Дунё бўйлаб Хрестиан Хушхабарчилик хизмати чиндан ҳам РАББИМИЗга бутун юраги, қалби, вужуди ва кучи билан хизмат қилишни истаганларга АҚШ манзилларимизда ҳаёт учун зарур бўлган барча қулайликларга эга яшаш жой билан таъминлайди.*

**Хизматлар Нью Йорк шаҳрида ҳар Сешанба куни соат 8 тушдан кейин ва бошқа жойларда оқшом ўтказилади. Илтимос маълумот учун (908) 937-5723 рақамига қўнғироқ қилинг. ҲАР БИР ХИЗМАТДАН СЎНГ ТАОМ УЗАТИЛАДИ.**

Чўпон Аламонинг китобини, Муқаддас Ёғ Суртилганни сўранг, Эски Аҳддан аён бўлган МАСИҲ 333 дан ортиқ башоратда намоён бўлди.

*Чўпон Аламонинг адабиётини ёювчи бўлиб кўнгиллар йиғим-теримида меҳнаткаш бўлинг.*

*Барча адабиётларимиз ва аудио мактубларингиз етказиб беришни ўз ичига олган ҳолда текиндир.Агар кимдир улар учун сиздан ҳақ сўрашга ҳаракат қилса, илтимос (661) 252-5686 рақамига текин телефон қилинг.*

**УШБУ АДАБИЁТ НАЖОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ РЕЖАСИНИ ТАШИЙДИ (Ҳав 4:12).**
**УНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, УНИ БОШҚА БИРОВГА УЗАТИНГ.**

**Бошқа мамлакатда бўлганларингизни эса ушбу адабиётни ўз она тилингизга таржима қилишингизга ундаймиз. Агар қайта нусха чиқарсангиз, илтимос ушбу муаллифлик ҳуқуқи ва қайдни қўшиб чиқаринг:**

© Муаллифлик ҳукуқи Июль 2013, 2015 Барча ҳукуқлар химояланган Дунё Чўпони Тони Аламо ® Рўйхатга олинган Июль 2013, 2015

UZBEK —VOLUME 18000—OVERWHELMING WICKEDNESS